

С.О.КАРЦЕВСКИЙ ЛИСОНӢ БЕЛГИНИНГ АСИММЕТРИК ДУАЛИЗМИ ҲАҚИДА

Мирзаева Дилзодаҳон

Самарқанд Давлат Университети

2- босқич таянч докторанти

ANNOTATSIYA

Maqolada Jeneva tilshunoslik maktabi asoschisi, Praga tilshunoslik to ‘garagining faol a’zosi, taniqli rus olimi Sergey Osipovich Kartsevskiyning “Об асимметрический дуализм лингвистического знака” nomli fundamental maqolasi mazmunida qisqacha tarjimasi ilova qilingan. lingvistik belgining assimetrik dualizmi va undan oqilona foydalanish ochib berilgan. U til fanining barcha darajalarini qo’llash tamoyillarini chuqur tushunishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, olimning fikricha, til birligining tovush ko’rinishi ham, ma’nosи ham asta-sekin o’zgarib boradi, bu esa asl yozishmalarining buzilishiga olib keladi.

Kalit so‘zlar: Ishora, til, nutq, lisoniy belgi, til belgisining assimetriyasi, dualizm, ifoda, omonim, sinonim, semiologik birlik, umumiy, xususiy, ma’naviy.

АННОТАЦИЯ

В статье прилагается краткий перевод основоположника Женевской школы языкоznания, активного члена пражского лингвистического кружка, известного русского учёного Сергея Осиповича Карцевского, по существу его фундаментальной статьи «Об асимметрическом дуализме лингвистического знака». асимметричный дуализм языкового знака) и его рациональное использование. Он призван служить глубокому пониманию принципов применения всех уровней языковой науки. Кроме того, по мнению ученого, постепенно изменяются как звуковой облик языковой единицы, так и ее значение, что приводит к нарушению исходного соответствия.

Ключевые слова: Знак, язык, речь, языковой знак, асимметрия языкового знака, дуализм, выражение, омоним, синоним, семиологическая единица, общее, специфическое, духовное.

ABSTRACT

The article encloses a brief translation of the founder of the Geneva School of linguistics, an active member of the Prague linguistics circle, the famous Russian scientist Sergey Osipovich Kartsevsky, in the essence of his fundamental article “Об асимметрический дуализм лингвистического знака” (“On the asymmetric dualism of a linguistic sign”) and its rational use are revealed. It is intended to serve a deep understanding of the principles of application of all levels of language science.

In addition, according to the scientist, both the sound appearance of a linguistic unit and its meaning are gradually changing which leads to a violation of the original correspondence.

Keywords: Sign, language, speech, linguistic sign, asymmetry of linguistic sign, dualism, expression, homonym, synonym, semiological unit, general, specific, spiritual.

КИРИШ

Сергий Осифович Карцевский (1884, Тобольск, Россия-1955, Женева, Швейцария) - атоқли рус тилшүноси, 1907 йилдан Женевада яшаган, Ф.дү Соссюрнинг шогирдлари Ш.Балли ва А.Сешэдан таълим олган, Женева университетида профессор лавозимида ишлаган. С.И.Карцевский Женева тилшүнослик мактаби ташаббускори (1940) ва унинг вице-президенти (1941-1950), Прага тилшүнослик тугараги фаол аъзоси. У тилшүносликка доир ҳамон аксарият ўзбек ўқувчиларга нотаниш бўлиб қолаётган қатор асарлар муаллифидир:

- Тил, уруш ва революция (1973).
- Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида (1965).
- Рус тилида паратаксис ва синтаксис (1948).
- Лингвистик мерос тарихидан (2004) ва б.

С.О.Карцевскийнинг “Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида” номли мақоласи В.А.Звегенцев томонидан чоп этилган “История языкоznания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях” номли тўпламнинг биринчи қисмидаги 1965 йилда чоп этилган. Ҳажман унча катта бўлмаган мазкур мақола кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортган ва тилда асимметрияни ўрганишнинг назарий-методологик асоси сифатида баҳоланган. Биз ушбу мақолада С.О.Карцевскийнинг номи юқорида зикр этилган мақоласи асосий ғоясини очиб беришга ҳаракат қиласиз. С.О.Карцевскийнинг ёзишича, белги ва маъно ҳеч қачон бир-бирини тўлиқ қопламайди, чунки айнан бир белги бир неча функция бажаради ва айнан бир функция бир неча белги билан ифодаланади, шунинг учун ҳар қандай белги айни бир пайтда ўзига ҳам “омоним” ва ҳам “синоним” бўлиб келади, чунки семиологик механизм бўлган тил бирликлари умумийлик ва яккалик, мавхум ва конкрет қутблар орасида ҳаракатланади. Тил умумий ҳодиса сифатида жамиятнинг барча аъзолари учун ўзаро мулоқат воситаси бўлса, хусусий ҳодиса сифатида эса шахснинг ички туйғу-кечинмаларини ифодаловчи воситасидир. Тилнинг умумий характерда эканлиги унинг шахс(лар) хоҳиш-иродасига тобе эмаслигини кафолатлади. Бу билан С.О.Карцевский умумий (жамоа) тил билан яккалик (индивидуал) тилни

адаштирумаслик лозимлигини урғулайди. Мақола муаллифи лисоний белгининг ўзгариб, турланиб, харакатланиб туришини уқтиради. Агар белги шундай хусусиятга эга бўлмаганда ва фақат бир маъно ифодалаганда, тил нарса-ҳодисаларнинг оддий ном, ёрлиқлардан иборат бўлиб қоларди. Бироқ бу ўзгарувчанлик нутқ меъёrlарига амал қилиши, белгиланган чегарадан чиқиб кетмаслиги, қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак. Лисоний белги, С.О.Карцевскийнинг ёзишича, бутунлай эмас, балки қисман ўзгаради. Бу ҳолат унинг ўтмиш билан алоқасини таъминлайди ва ҳозирги ҳолатини белгилайди. Чунки умумий ва индивидуал белги уларни бир-биридан фарқлашга хизмат қиласиган икки координатанинг муносабатига асосланади. Бироқ лисоний белгининг фарқловчи хусусиятига кўп урғу беравермаслик керак. Масалан, дабдурусадан -*a* морфемаси рус тилида қандай маъно англатади, деб сўраш bemani savol. Бунинг учун таркибида -*a* ва шу -*a* бўлган сўзларни (стол, стола, столу...; паруса, парусов..., жена, жены ва ш.к.) топиш ва у бу сўзларда қандай вазифа бажараётганини аниқлаш керак. С.О.Карцевскийнинг омофония ва омонимия ҳақидаги мулоҳазалари ҳам эътиборга молик: “Омофония-умумий ҳодиса, омонимия эса унинг хусусий кўриниши ва у тилнинг тушунчалар тизимида намоён бўлади. Унга қарама-қарши бўлган ҳодиса (гетерофония) тушунчалар тизимида синонимия сифатида намоён бўлади. Бироқ бу унча ҳам аниқ бўлмаса-да, қуйида келтирилган айнан бир умумий тамойилнинг икки томонидан бошқа нарса эмас: ҳар қандай лисоний белги айни бир пайтда бир-бирига потенциал (имконият тарзидаги) омоним ва синонимдир”. [Карцевский, 88-б.].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мақола муаллифи бу борадаги мулоҳазаларини давом эттириб, *омонимлар* қатори моҳиятан кўпроқ *руҳий ҳодиса* ва ассоциацияларга (фикрий боғланишларга) асосланиши, *синонимлар* қатори эса *мантиқий характерда* эканлиги, чунки унинг узвлари ҳодисаларнинг айнан бир синфига мавжуд кўринишлари сифатида қаралиши ҳақида ёzádi.

С.О.Карцевский синонимлар қаторининг ҳам, омонимлар қаторининг ҳам ҳамиша очиқ эканлиги тил ифода воситалари кенгайиб ва ривожланиб боришини таъминлашини мисоллар билан асослаб берган.

Морфема билан қиёслаш мумкин бўлган “тўлиқ” сўзда семиологик функцияларнинг ўзаро зид икки: а) формал ва б) семантик; марказ амал қиласиди. Формал марказ (жинс, сон, келиши, тур, замон ва б.) мазкур тилда сўзлашувчи барча кишиларга маълум ва уларнинг ифодалашга хоҳиш-иродасига оғлиқ эмас. Шунинг учун ҳар қандай нутқ вазиятида ҳам ўзгартмайди. “Тўлиқ сўз”нинг

семантик маркази сўзловчининг хоҳиши-иродаси ва нутқ вазияти талабига боғлиқ ҳолда турланиб туради ва янгидан-янги маъно нозикликларини кашф этади. Бундан фақат илмий терминлар мустасно, чунки улар илмий ғоя ва назариялар тизимидан мустаҳкам ўрин олган (Бу ерда гап, албатта, терминларнинг бирдамчи, ўз маъноси ҳақида бормоҳи лозим).

С.О.Карцевский ўз мулоҳазаларини шундай мисол билан асослайди. Кимдир *балиқсан* дейилди. Бу билан “*балиқ*” термини учун шаклдош сўз ҳосил қилинди ва “*флегматик*” “*лоқайд*”, “*бегам*”, “*суст*”, “*ҳиссиз*”, “*камгап*” сўzlари синонимлари қаторига янги бўлак келиб қўшилди. Натижада биратўла икки сўз (“*балиқ*”, “*камгап*”)га синоним юзага келтирилади.

Проф.С.О. Карцевскийнинг қўйидаги сўzlари ҳам эътиборга молик. Унинг ёзишича, “*тўлик*” сўзниң нафақат семантиқ, балки формал маркази ҳам кўчма маъно касб этиши мумкин. Масалан, буйруқ гап сўзловчининг ифода-истагини ифодалashi ва сухбатдошнинг нутқ вазиятидаги ролининг сусайтириши ҳаммага маълум (*Жим бўл!*). Бироқ бу шакл бошқа вазифасида ҳам кузатилади: “*Энди уруғ сепилган эди, совуқ майса нишини уриб кетди*” (кутилмаган, бинобарин, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолат). “Грамматик транспозиция (кўчма маъно-Д.М) семантик транспозицияга ўхшайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам конкрет воқелик туфайли амалга ошади. Биз бу ерда уларни фарқлаб турувчи ҳолатлар ҳақида гапирмаймиз. Аммо улар орасидаги асосий фарқни кўрсатиб ўтамиз. Формал белгилар, табиийки, семантик белгига қараганда, нисбатан умумий ва улар семантик белгиларнинг чекланмаган миқдорини ўз ичига олади. Шунинг учун грамматик белгилар анча барқарор, уларнинг кўчма маънода келиши кам кузатилади ва кўпроқ “*мунтазам*” бўлади [Карцевский, 1965, 91-б.]. С.О. Карцевский лисоний белгининг асимметрик харатерда эканлигини қўйидагича изоҳлайди: лисоний белгининг ифодаловчиси (жаранглази) ва ифодаланмиш (функция) ўзига шериги томонидан белгиланган доирадан чиқади. Бошқача айтганда, ифодаланмиш ўз вазифасидан бошқа вазифаларни бажаришга, ифодаланмиш ўзини бошқа воситалар билан ифодалашга ҳаракат қиласи. Бу ҳолат тилнинг тинимсиз ривожланиб туришига асос бўлиб хизмат қиласи. Хуллас, проф.С.О. Карцевскийнинг лисоний белги асимметрик дуализми ҳақида мақоласи тилшуносликда симметрия ва асимметрия билан боғлиқ муаммоларнинг кашфиёт мақомидаги оригинал ечимиdir. Шунинг учун бу мақола чоп этилганидан бўён фанимиз тадқиқотчилари дикқат марказида бўлиб, тилнинг барча сатҳлари моҳиятини тушунишида мустаҳкам назарий асос вазифасини бажариб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Карцевский С.И. Об асимметрическом дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкоznания XIX– XX веков в очерках и извлечениях. – М.: Мысль, 1965. – Ч. 2. – 315 с.
2. Касевич В.Б. Труды по языкоznанию. – СПб.: АСТ, 2006. – 344 с.
3. Касымова Н.Ф. Асимметрия при переводе интеррограмм с вопросительным словом what (на материале английского, русского и узбекского языков) // Вестник Челябинского государственного университета. – 2020. – №11. – С. 70-73.
4. Клейнер Ю.А. Проблемы просодики. – СПб.: Питер, 2002. – 320 с.
5. Кобозева И.М. Парадигматическая асимметрия английского языка. – М.: Слово, 2010. – 283 с.
6. Кодзасов С. В., Кривнова О. Ф. Современная американская фонология. – М.: Наука, 2004. – 338 с.
7. Гак В.Г. Об использовании идеи симметрии в языкоznании // Лексическая и грамматическая семантика романских языков. – Калинин: Слово, 1980. – 117 с.
8. Ахмедова Н.Ш. Асимметрия в сложных предложениях на узбекском языке // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. №5-3. – С. 41-46.
9. Бабакулов И.Т. Словообразовательные особенности русского и узбекского языков в аспекте гендерной асимметрии // «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал. – 2018. – № 4 (23). – С. 143-153.
10. Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. Учебник [Текст] / Г.Х. Бакиева, Б.Х. Караваева, Е.Н. Коршунова, И.А. Краева, Д.М. Тешабаева, Г.М. Фролова. – М.: ИПК МГЛУ Рема, 2012. – С. 21-49.